

Environmental and Social Impact Assessment

PUBLIC

Project Number: 58290-001
Draft
August 2024

Uzbekistan: Samarkand 1 Solar PV and BESS Project

Appendixes – Part 1

Prepared by ACWA Power for the Asian Development Bank (ADB).

This environmental and social impact assessment report is a document of the borrower. The views expressed herein do not necessarily represent those of ADB's Board of Directors, Management, or staff, and may be preliminary in nature. Your attention is directed to the [“terms of use”](#) section of ADB's website.

In preparing any country program or strategy, financing any project, or by making any designation of or reference to a particular territory or geographic area in this document, ADB does not intend to make any judgments as to the legal or other status of any territory or area.

Samarkand I Solar PV and
BESS Project
Republic of Uzbekistan

**Environmental and Social Impact
Assessment (ESIA)**

Volume IV: ESIA Appendices



August 2024, v1.0

DOCUMENT INFORMATION

PROJECT NAME	Samarkand I Solar PV and BESS Project
5Cs PROJECT NUMBER	1305/001/153
DOCUMENT TITLE	ESIA Volume IV: ESIA Appendices
CLIENT	ACWA Power
5Cs PROJECT MANAGER	Catherine Sarunday
5Cs PROJECT DIRECTOR	Ken Wade

DOCUMENT CONTROL

VERSION	DATE	DESCRIPTION	AUTHOR	REVIEWER	APPROVER
1.0	9/08/2024	Samarkand I Solar PV and BESS Project ESIA Report	CS	MB	KRW



1	Financial Capital	Regardless of location, mode of delivery or function, all organisations are dependent on <i>The 5 Capitals of Sustainable Development</i> to enable long term delivery of its products or services.
2	Social Capital	
3	Natural Capital	
4	Manufactured Capital	Sustainability is at the heart of everything that 5 Capitals achieves. Wherever we work, we strive to provide our clients with the means to maintain and enhance these stocks of capital assets.
5	Human Capital	

DISCLAIMER

5 Capitals cannot accept responsibility for the consequences of this document being relied upon by any other party, or being used for any other purpose.

This document contains confidential information and proprietary intellectual property. It should not be shown to other parties without consent from the party which commissioned it.

This document is issued for the party which commissioned it and for specific purposes connected with the above-identified project only. It should not be relied upon by any other party or used for any other purpose.

CONTENTS

APPENDIX A – PRESIDENTIAL RESOLUTION FOR PROJECT	1
APPENDIX B – NATIONAL EIA CONCLUSION	2
APPENDIX C – BASELINE SURVEY REPORTS	3
APPENDIX D – LABORATORY TEST CERTIFICATES	4
APPENDIX E – CONSULTATIONS WITH AUTHORITIES	5

APPENDIX A – PRESIDENTIAL RESOLUTION FOR PROJECT

THE DECREE OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ON MEASURES TO IMPLEMENT AN INVESTMENT PROJECT “CONSTRUCTION OF 500 MW SOLAR PHOTOVOLTAIC POWER PLANT, 334 MW ELECTRICITY STORAGE SYSTEM AND A SUBSTATION SERVING TO ENSURE ITS OPERATION (SAZAGAN SOLAR 1)” IN NUROBOD DISTRICT OF SAMARKAND REGION”

In order to ensure a stable supply of energy resources to the population and sectors of the economy of Samarkand region, to reduce the use of natural gas in electricity generation, as well as to attract foreign direct investment to expand the use of renewable energy sources:

1. To take under consideration the following:

a) ACWA POWER-Saudi Listed Stock Company (Saudi Arabia) (hereinafter referred to as “Investor”) has established a foreign enterprise in the form of limited liability company “ACWA Power Sazagan Solar 1 LLC” (hereinafter referred to as “Project Company”) within implementation of Investment Project (Sazagan Solar 1) “Construction of 500 MW solar photovoltaic power plant, 334 MW electricity storage system and a substation serving to ensure its operation in Nurobod district of Samarkand region” (hereinafter referred to as “Investment Project”) in the Republic of Uzbekistan;

b) the Ministry of Investment, Industry and Trade acting on behalf of the Government of the Republic of Uzbekistan, the Investor and the Project Company on April 19, 2023, concluded an investment agreement on the Project Company obligations (hereinafter - the Investment Agreement), and in accordance with which the Investor and the Project Company undertake to:

Design, finance, construct and operate 500 MW solar photovoltaic power plant and 334 MW electricity storage system in the Nurobod district of Samarkand region during the entire period of the Investment Project;

Attract foreign direct investment in the amount of 758 million US dollars on a preliminary assessment with possible risks.

b) On April 19, 2023 “National Electric Grid of Uzbekistan” JSC and the Investor concluded a Power Purchase Agreement (hereinafter referred to as the Power Purchase Agreement), and in accordance therewith the followings noted:

The Project Company undertakes to sell the electricity produced to “National Electric Grid of Uzbekistan” JSC in a guaranteed manner;

The Project Company shall provide a first-class guarantee from a foreign bank in the amount of \$30 million US dollars as a proper performance guarantee during the construction period;

Under the Investment Project, an overhead power transmission lines for connecting the photovoltaic power plant to the unified power grid and a substation shall be constructed by the Project Company, and once launched, the Project Company shall undertake to transfer them to the "National Electric Grid of Uzbekistan" JSC;

the construction of overhead power transmission lines and a substation to connect the photovoltaic power plant to the unified power grid by the Project Company and the cost of these works shall be covered by the "National Electric Grid of Uzbekistan" JSC on a monthly payment basis for 10 years;

Within the framework of the Investment Project, the Project Company undertakes to coordinate its operation mode with the dispatch department of the State Unitary Enterprise "National Dispatch Center" under the Ministry of Energy after construction and commissioning of the electricity storage system;

"National Electric Grid of Uzbekistan" JSC undertakes to purchase electricity on a guaranteed basis for 25 years and to pay for the electricity in the national currency.

2. As part of the implementation of the investment project:

To approve the Investment Agreement concluded between the Ministry of Investment, Industry and Trade acting on behalf of the Government of the Republic of Uzbekistan, the Investor and the Project Company.

To approve the Power Purchase Agreement concluded between "National Power Grid of Uzbekistan" JSC and the Project Company.

3. To set, in accordance with the investment agreement and the Power Purchase Agreement, that during the term of their validity, the purchase of electric power, the ready-to-use state of the electricity storage system, and the costs spent on the construction of overhead power transmission lines shall have a fixed tariff denominated in a foreign currency.

4. To entitle The Ministry of Investment, Industry and Trade, the Ministry of Energy and "National Electric Grid of Uzbekistan" JSC to conclude agreements on the direct transfer of rights of the Project Company and the Investor to creditors attracted for financing the Investment Project in case of a failure of the Project Company to fulfill obligations under executed agreements for realization of the Investment Project.

5. "National Electric Grid of Uzbekistan" JSC is allowed:

to select an international independent engineering company and other consultants to implement the Investment Project in the manner prescribed in the Power Purchase Agreement with the Project Company, without conducting a mandatory examination and enter into agreements with them;

to open an approved and restored foreign currency bank credit letter in favor of the Project Company for a period of three months as a security obligation for the payment of the electricity purchase made by the Project Company.

6. In the event that the payment obligations of "National Electric Grid of Uzbekistan" JSC to a foreign bank that opens a letter of credit on behalf of the Government of the Republic of Uzbekistan are fulfilled through the guarantee of the Asian Development Bank, the World Bank or the European Bank for Reconstruction and Development, signing an agreement with this bank on reimbursement of the expenses of this bank in an acceptable form to the Government of the Republic of Uzbekistan the authority should be given to the Minister of Economy and Finance.

7. Within the framework of the implementation of the investment project, the Project company shall be granted the following rights within the framework of the financing of the investment project, with the payment of all taxes and fees:

To open bank accounts with foreign banks abroad to obtain credit and to receive and use funds in foreign currencies (including credit receipts in foreign currencies);

To directly make payments to foreign contractors, suppliers or foreign creditors outside the Republic of Uzbekistan without transferring them through bank accounts in the Republic of Uzbekistan.

8. Under the Investment Project, to establish the rules and regulations for construction and ground works related to the installation of photovoltaic power panels and the designing of building and structure foundations in accordance with international standards and with the Power Purchase Agreement provisions.

9. To agree with the proposals of Ministry of Agriculture, Ministry of Water Resources, Ministry of Investments, Industry and Trade, Samarkand Region Khokimiyat on transferring of 1062 hectares of land in Nurabad and Pastdargom districts of Samarkand region from the category of land intended for agriculture to the category of land intended for industrial and other purposes in accordance with the annex of the for the implementation of the Investment Project

10. The khokimiyat of the Samarkand region within a month, based on the coordinates of the land occupied by the main equipment, to ensure the allocation of land plots to the Ministry of Energy for permanent use under the terms specified in the Investment Agreement and Power Purchase Agreement, photovoltaic power plant, electricity storage system, a substation and overhead power transmission lines that ensure operation of photovoltaic power.

a) According to this provision, the Ministry of Energy shall:

ensure land lease to the Project Company for the construction of the photovoltaic power plant and electricity storage system for a period equal to the term of the Investment Project;

ensure the land lease to “National Electric Grid of Uzbekistan” JSC for construction of a substation and overhead power transmission lines;

b) Within the framework of the implementation of the Investment Project:

the Ministry of Energy shall be exempt from compensation (compensation payments) for non-performance of agricultural production for the use of agricultural land;

The amount of rent paid by the project company for land plots should be equal to the amount of land tax

11. According to the order of the Project Company:

Ministry of Foreign Affairs - that entry visas for foreign specialists involved in the implementation of the investment project, if necessary, be issued (extended) at the international airport "Tashkent" named after Islam Karimov in the prescribed manner;

Ministry of Internal Affairs - extension of multiple-entry visa terms for foreign experts of the Project company and contracting organizations involved in the Investment project and their family members, as well as registration and extension of the period of temporary stay;

The Ministry of Poverty Alleviation and Employment should ensure that foreign citizens are given the right to work in the territory of the Republic of Uzbekistan.

12. The Ministry of Investments, Industry and Trade should establish permanent control over the implementation of the Investment Project, as well as the fulfillment of the parties' obligations under the Investment Agreement and the Power Purchase Agreement.

13. The Ministry of Justice should issue legal conclusions regarding the Investment Agreement and the agreements signed in accordance with its provisions within the framework of the Investment Project implementation.

14. The Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change should ensure that the project documents are subjected to environmental expertise in the prescribed manner and that the legislation on nature protection is observed during the implementation of the Investment project.

15. To assign the Minister of Energy J.T. Mirzamakhmudov personal responsibility to organize the effective implementation of the resolution.

Quarterly discussion of the implementation of this resolution, coordination and control over the activities of agencies responsible for its implementation shall be assigned to Prime Minister A.N. Aripov.

The President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev

THE LIST

of land plots being transferred from the category of agricultural land to the land category of industrial and other purposes within the implementation of the investment project "Construction of a solar photovoltaic power station with a capacity of 500 MW, an electric energy storage system with a capacity of 334 MW and a substation serving to ensure its operation (Sazagan Solar 1)" in the Nurabad district of Samarkand region

Name of the area	Contour no	Total plot area (hectare)	Of this, dry lands, pastures and hayfields
To build a photoelectric plant			
Nurabad district of Samarkand region (Sazoghan massif)	120к-124к	51	51
	124к	10,4	10,4
	117к	29,94	29,94
	119к	8,4	8,4
	117к-119к-224к	116,26	116,26
Nurabad district of Samarkand region (Olga massif)	937к-936к-940к-941к- 942к-943к-944к-945к- 946к-947к-948к-957к- 957ак-958к-959к-960- 961к-972к-973к	809	809
For a newly built substation			
Pastdargom district, Samarkand region (Dostlik-3 massif)	48к, 56к, 57к	20	20
For a new electric energy storage system			
Pastdargom district, Samarkand region (Dostlik-3 massif)	48к	17	17
Total		1062	1062



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 4 » ИЮЛЬ

№ ПҚ–207

“Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини, қуввати 334 МВт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимини ҳамда унинг фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи подстанцияни қуриш (Sazagan Solar 1)” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни камайтириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) **“ACWA Power Company (Saudi Listed Joint Stock Company)”** (Саудия Арабистони) компанияси томонидан (кейинги ўринларда — Инвестор) **“Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини, қуввати 334 МВт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимини ҳамда унинг фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи подстанцияни қуриш (Sazagan Solar 1)”** инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда — Инвестиция лойиҳаси) доирасида Ўзбекистон Республикасида масъулияти чекланган жамият шаклидаги **“ACWA Power Sazagan Solar 1”** хорижий корхонаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа компанияси) таъсис этилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Хукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиҳа компанияси ўртасида **2023 йил 19 апрелда инвестиция битими** (кейинги ўринларда — Инвестиция битими) имзоланганлиги ҳамда унга мувофиқ Инвестор ва Лойиҳа компанияси:

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бутун даври мобайнида Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини, қуввати 334 МВт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимини лойиҳалаштириши, молиялаштириши, қуриши ҳамда эксплуатация қилиши;

юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ўз зиммаларига олган ҳолда, дастлабки баҳолаш бўйича жами **758 млн АҚШ доллари** миқдорида **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни** жалб этиши;

в) “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасида **2023 йил 19 апрелда Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида битим** (кейинги ўринларда – Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим) имзоланганлиги ҳамда унга мувофиқ;

Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга **кафолатланган тарзда сотиш** мажбуриятини олиши;

Лойиҳа компанияси қурилиш давридаги ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг таъминоти сифатида **30 млн АҚШ доллари** миқдорида биринчи даражали хорижий **банк кафолатини** тақдим этиши;

Инвестиция лойиҳаси доирасида фотоэлектр станциясини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун подстанция ва ҳаво электр узатиш тармоқлари **Лойиҳа компанияси томонидан қурилиши** ҳамда ишга туширилгандан сўнг Лойиҳа компанияси уларни “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга топшириш мажбуриятини олиши;

фотоэлектр станциясини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун подстанция ва ҳаво электр узатиш тармоқлари Лойиҳа компанияси томонидан қурилиши ҳамда ушбу ишлар учун **сарфланган харажатлар “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан 10 йил давомида ойлик тўловлар асосида қопланиши**;

Инвестиция лойиҳаси доирасида электр энергиясини сақлаш тизими Лойиҳа компанияси томонидан қурилиши ҳамда ишга туширилгандан сўнг Лойиҳа компанияси унинг иш режимини Энергетика вазирлиги ҳузуридаги **“Миллий диспетчерлик маркази” ДУКнинг диспетчерлик бошқаруви билан мувофиқлаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олиши**;

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ **25 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олиши** ва электр энергияси учун **тўловни миллий валютада амалга ошириши** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиҳа компанияси ўртасида имзоланган **Инвестиция битими тасдиқлансин;**

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасида тузилган **Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим маъқуллансин.**

3. Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ уларнинг амал қилиш муддати давомида электр энергиясининг сотиб олиниши, электр энергиясини сақлаш тизимининг фойдаланишга тайёр ҳолати учун ва ҳаво электр узатиш тармоқларини қуришга сарфланган харажатлар бўйича тўловлар чет эл валютасида деноминацияланган **қатъий тариф бўйича амалга оширилиши** белгилаб қўйилсин.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга Лойиҳа компанияси томонидан Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Лойиҳа компанияси ва Инвестор ҳуқуқини Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда иштирок этадиган бошқа кредиторларга тўғридан-тўғри ўтказиш юзасидан битимлар тузиш ҳуқуқи берилсин.

5. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга:

Лойиҳа компанияси билан биргаликда Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимда белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун **халқаро мустақил инжиниринг компаниясини ва бошқа маслаҳатчиларни мажбурий экспертиза ўтказмаган ҳолда танлаб олишга ҳамда улар билан шартномалар тузишга;**

Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олиш **мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида** Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл банкининг чет эл валютасида тасдиқланган ва тикланадиган **аккредитивини очишга рухсат берилсин.**

6. Иқтисодиёт ва молия вазирига Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг аккредитив очадиган хорижий банк олдидаги тўлов мажбуриятлари Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ёки Европа тикланиш ва тараққиёт банки кафолати орқали бажарилган тақдирда, ушбу банк билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига мақбул шаклдаги ушбу банк харажатларини қоплаш тўғрисидаги битимни имзолаш ваколати берилсин.

7. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Лойиҳа компаниясига, барча солиқлар ва йиғимлар тўланган ҳолда, Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

кредит олиш, чет эл валютасида пул маблағлари олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан чет эл валютасида кредит тушумлари) учун **чет эллардаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш;**

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган хорижий пудрат ташкилотлари, етказиб берувчилар ёки хорижий кредиторларга тўловларни **Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан, тўғридан-тўғри амалга ошириш.**

8. Инвестиция лойиҳаси доирасида фотоэлектр панелларини ўрнатиш билан боғлиқ қурилиш ва ер ишларини бажариш, бино ва иншоотлар пойдеворларини лойиҳалаштириш нормалари ва қоидалари Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим қоидаларига мувофиқ халқаро стандартлар билан тартибга солиниши белгилаб қўйилсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ажратиладиган Самарқанд вилоятининг Нуробод ва Пастдарғом туманлари ҳудудларидаги иловага мувофиқ 1 062 гектар ер участкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимда кўрсатилган шартларга мос келадиган қуёш фотоэлектр станцияси, электр энергиясини сақлаш тизими ва уларнинг фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи подстанция ҳамда қуриладиган ҳаво электр узатиш тармоқлари учун зарур бўлган ер участкаларини Энергетика вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилишини таъминласин.

Бунда:

а) Энергетика вазирлиги мазкур бандга асосан ўзига берилган тегишли ер участкаси:

қуёш фотоэлектр станцияси ва электр энергиясини сақлаш тизимини қуриш учун Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддатига тенг даврга **Лойиҳа компаниясига;**

подстанция ва ҳаво электр узатиш тармоқларини қуриш учун **“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга ижарага берилишини таъминласин;**

б) Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

Энергетика вазирлиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланганлик учун **қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплашдан** (компенсация тўловларидан) **озод қилинсин;**

Лойиҳа компанияси томонидан ер участкалари учун тўланадиган **ижара тўлови миқдори ер солиғи миқдорига тенглаштирилсин.**

11. Лойиҳа компаниясининг буюртманомасига биноан:

Ташқи ишлар вазирлиги – Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун кириш визалари, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини (муддати узайтирилишини);

Ички ишлар вазирлиги – Лойиҳа компанияси ва Инвестиция лойиҳаси доирасида жалб қилинган пудрат ташкилотларининг хорижий мутахассислари ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўп марталик виза муддатлари узайтирилишини, шунингдек, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати узайтирилишини;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар белгиланган тартибда берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

12. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши, шунингдек, томонларнинг Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим доирасидаги **мажбуриятларини бажариши устидан доимий назорат ўрнатсин.**

13. Адлия вазирлиги Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция битими ҳамда унинг қоидаларига мувофиқ имзоланган битимлар юзасидан юридик хулосалар берсин.

14. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда экологик экспертизадан ўтказилишини ва Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазирини Ж.Т.Мирзамаҳмудов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 4 июлдаги ПҚ–207-сон қарорига
илова

**“Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида қуввати
500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини, қуввати 334 МВт бўлган
электр энергиясини сақлаш тизимини ҳамда унинг фаолиятини
таъминлашга хизмат қилувчи подстанцияни қуриш (Sazagan Solar 1)”
инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қишлоқ хўжалигига
мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат ва бошқа мақсадларга
мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилаётган ер участкалари
РЎЙХАТИ**

Худуд номи	Контур рақами	Жами ер участкаси майдони (гектар)	Шундан, лалми ерлар, яйловлар ва пичанзорлар
Фотоэлектр станцияни қуриш учун			
Самарқанд вилояти Нуробод тумани (Сазоғон массиви)	120қ-124қ	51	51
	124қ	10,4	10,4
	117қ	29,94	29,94
	119қ	8,4	8,4
	117қ-119қ-224қ	116,26	116,26
Самарқанд вилояти Нуробод тумани (Олға массиви)	937қ-936қ-940қ-941қ- 942қ-943қ-944қ-945қ- 946қ-947қ-948қ-957қ- 957ақ-958қ-959қ-960- 961қ-972қ-973қ	809	809
Янги қуриладиган подстанция учун			
Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани (Дўстлик-3 массиви)	48қ, 56қ, 57қ	20	20
Янги қуриладиган электр энергиясини сақлаш тизими учун			
Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани (Дўстлик-3 массиви)	48қ	17	17
Жами		1062	1062

